

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**ҚМҚ 2.04.17-2019 «ТУРАР ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР  
ЖИҲОЗЛАРИ» ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 июнда ҳисобга  
олинди, ҳисоб рақами 171]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига асосан буюраман:

1. ҚМҚ 2.04.17-2019 «Турар жой ва жамоат биноларининг электр жиҳозлари» қурилиш меъёрлари ва қоидаларига **иловага** мувофиқ қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир Б. ЗАКИРОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 8 май,  
100-сон  
Келишилди:

**Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ**

2023 йил 27 апрель

**Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ**

2023 йил 17 апрель

**ҚМҚ 2.04.17-2019 «Турар жой ва жамоат биоларининг электр жиҳозлари» қурилиш  
меъёрлари ва қоидаларига киритилаётган қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 16-боб билан тўлдирилсин:

**«16-боб. Кабел линияларини ёнғиндан ҳимоя қилиш тадбирларини ташкил этиш ва  
ўтказиш**

16.1. Кучланишли ва бошқарув кабелларидан, шу жумладан кабел қурилмаларига ётқизилган ёнмайдиган ҳамда алоқа кабелларидан ташкил топган кабел линиялари юзаси бўйлаб, шунингдек бино ва иншоотларнинг ичкараси ва ташқарисидаги кабел конструкциялари бўйлаб ёнғиннинг тарқалишини олдини олиш учун ГОСТ Р 53311-2009, ГОСТ ИЕС 60332-3-22-2011 ва ГОСТ ИЕС 60331-2-2021 талабларига мувофиқ оловдан ҳимояловчи қопламалар (бундан буён матнда оловбардош тўр деб юритилади) дан фойдаланишга рухсат этилади.

Рухсат этилган давомли ток юкмасини камайтириш коэффициентини 0,98 дан кам бўлмаслиги керак.

Оловбардош тўрнинг оловдан шикастланган ёки қуйган қисмининг узунлиги ГОСТ ИЕС 60332-3-22-2011 нинг 6-бандига мувофиқ ўлчанганида 1,5 м дан ошмаслиги керак.

16.2. Агрессив муҳит, юқори ҳарорат, намлик ва атроф муҳитнинг бошқа таъсирида ишлатиладиган оловбардош тўрлар, кўрсатиб ўтилган омилларга техник шартларда келтирилган бардошлиликка эга бўлиши лозим.

16.3. Оловбардош тўрлар:

кабел линияларидан фойдаланиш вақтида номинал ток юкмасини камайтирмаслиги;

юклама остида бўлган кабелнинг ҳисобланган қизиш ҳароратини оширмаслиги;

кабелларни ва тўплам шаклида ётқизилган кабелларни алмаштириш ишларига тўсқинлик қилмаслиги керак.

16.4. Оловбардош тўрлардан фойдаланганда қуйидагиларга риоя қилиниши лозим:

кучланишли, бошқарув ва алоқа кабеллари бутун юзаси бўйлаб қопланиши;

кутилар ва лотокларда ётқизилган бошқарув кабелларининг қатори бутун ташқи юзаси бўйлаб қопланиши;

тўплам шаклида ётқизилган бошқарув кабелларининг қатори ташқи юзаси бўйлаб қопланиши;

оловбардош тўрлар кабел линияларининг ҳолатини даврий текшириш, шунингдек кабел линияларини қўшимча ётқизиш ва кабел линияларини алмаштириш имкониятини таъминлаши.

16.5. Оловбардош тўрларни қобиклари ва ҳимоя шлангларида кўринадиган шикастланишлари мавжуд (узилишлар, тирқишлар ва ёриқлар) кабел тармоқларига ўрнатиш тақиқланади.

16.6. Кабелларни ёнғиндан ҳимоялашда, мазкур ҚМҚ ва Электр ускуналарининг тузилиши қоидаларига (ЕУҚ) (2004 йил 27 феврал, 20-15-62/24-сон) асосан ушбу кабелларни ёнғинга бардошлилигининг меъёрий чегарасига мувофиқлигини таъминлаш учун бино ва иншоотлар қурилиш конструкцияларининг кабел ўтказиладиган жойларида оловга бардошлиликни таъминловчи зичлаштириш (тикланиш) ишлари амалга оширилиши лозим.».